- 05.10 "Махкам Жванецкий" "Плательнее маю, ребята"
- 06.00 Худ. фильм "Ты - мне, я - тебе"
- 07.23 "Играй, гармонь любимая!"
- 08.00 Умчино и уюкчи
- 08.45 "Салом пастери"
- 09.15 Суик
- 09.40 Кунириг, Олег Ефремов"
- 10.45 "Семьянини"
- 11.15 "Абрақадра"
- 16.05, 17.15 Сериал "Харомат: Линия сизми"
- 17.00 Вечерние новости
- 18.20 "Да ладно"
- 18.50 "Человек и закон"
- 20.00 "Время"
- 20.20 "Сегодня вечером"
- 21.50 Худ. фильм "Отгаракине домохозяйка"
- 23.35 Худ. фильм "Валгариан Вини-Дилан"
- 01.20 Худ. фильм "Семья Ивановна"
- 02.55 Худ. фильм "Мечта"

РОССИЯ 1

- 03.40 Худ. фильм "Человек родился"
- 05.30 "Саломат оғусти"
- 06.05 Диалог о животлиги
- 07.00, 10.00, 13.00 Вести
- 07.10, 10.10, 13.00 Вести-Москва
- 07.20 "Воинская программа"
- 07.45 "Планета собак"
- 08.30 "Города", Дайджест
- 09.00 "Юрий Любимов"
- 10.20 Вести. Дежурная часть
- 10.55 "Честный детектив"
- 11.25, 13.30 Сериал "Ташкички"
- 16.00 Субботний вечер
- 17.50 Шоу "Десять миллионов" с Максимом Галкиным
- 19.00 Вести в субботу
- 19.40 Худ. фильм "Обучаю игре на гитаре"
- 23.28 Худ. фильм "Служаика трех господ"
- 01.20 Гурочка вестка.
- 02.30 Худ. фильм "Пак для волю"



- 04:25 ДЕТЕКТИВНЫЙ СЕРИАЛ "СУРТИ" (16+).
- 04:55 СМОТ (0+)
- 07:00 СЕГОДНЯ.
- 07:15 ЛОТЕРЕЯ "ЗОЛОТОЙ КЛЮЧ" (0+)
- 07:45 ИХ ПРАВИ (0+).
- 08:25 "ТОТОВИМ С АЛЕКСЕЕМ ЗИМИНЫМ" (0+).
- 09:00 СЕГОДНЯ.
- 09:50 ПЛАННАЯ ДОРОГА (16+).
- 09:55 КУЛИНАРИЙНЫЙ ПОДИНОК С ОСКАРОМ КУЧЕРОЙ (0+).
- 11:00 КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС (0+).
- 12:00 СЕГОДНЯ.
- 12:25 БОРИС ГАЛКИН В ФИЛЬМЕ "ОТСТАВИНИ" (16+).
- 14:10 СВОЯ ИГРА (0+).
- 15:00 СЕГОДНЯ.
- 15:20 СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ... (16+).
- 16:30 "ОЧНАЯ СТАВКА" (16+).
- 17:20 СЕРИАЛ "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРИСИШЕСТВИЕ" (16+).
- 18:00 СЕГОДНЯ.
- 18:25 "ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР" (16+).
- 18:55 "ПРОГРАММА МАКСИМУМ. РАССЛЕДОВАНИЕ, КОТОРЫЕ

- КАСАЮТСЯ КАЖДОГО" (16+).
- 20:00 "РУССКИЕ СЕНСАЦИИ". ИНФОРМАЦИОННЫЙ ДЕТЕКТИВ (16+).
- 20:55 ТЫ НЕ ПОВЕРИШЬ! (16+).
- 21:55 "ЛУЧ СВЕТА" (16+).
- 22:20 "ТАИНСТВЕННЫЕ РОССИЯ: КРАСОЯРСЬК, ПРИЗРАКИ НА РАВНИНАХ" (16+).
- 23:10 "ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ": ТОҚШУ ТАЪЯНИ ТУЛСТОЙ И АДВОКАТ СМИРНОВОЙ. ВАСИЛИЙ ОВЧИН (16+).
- 00:15 "СПОРТ ДЛЯ ВСЕХ. НАОУШИСЬ ТЕРОУ РУСТАМ ГЕЛЬМАНОВ: СКАЛОПАЛ, ЧУПЧУМ МИРА" (16+).
- 00:50 ПРЕМЕРА. ДЕТЕКТИВНЫЙ СЕРИАЛ "ПРЕСТУПЛЕНИЕ БУДЕТ РАСКРЫТО" (16+)
- 02:50 СЕРИАЛ "ХОЛИМ ОДНОГО ДЕРЕВА" (СПА) (0+)
- 04:00 СЕРИАЛ "ЧАС ВОЛКОВА" (16+).

РОССИЯ 2

- 05:00 Смешанные единоборства. ВЕЛЛТОЛ. Прямая трансляция из США
- 07:30 Вести-Спорт
- 08:45 ВЕСТИ-ЛУ. Пятица
- 11:55 "Диалог о рыбацке"
- 08:45 "В мире животлиги" с Николаем Дроздовым
- 09:20 "Моя планета"
- 10:25 Вести-Спорт
- 10:40 "Индустрия кино"
- 11:10 Стивен Сигал в фильме "Сегодния ги урмеш" (16+)
- 13:00 Вести-Спорт
- 13:15 "Задан вопрос министру"
- 13:55 Дольд Луағери в фильме "Витна драқон" (16+)
- 15:35 "Планета футбол" Владимира Селгенико
- 16:40 Футбол. Чемпионат Англии. "Арсенал" - "Челси". Прямая трансляция
- 18:40 Вести-Спорт
- 18:55 Вольфганг "Чемпионат России. Мужчины. "Зенит-Казань" - "Локомотив" (Новосибирск). Прямая трансляция
- 20:45 Профессиональный бокс. Лучшая бой Александр Поветкин
- 21:20 Футбол. Чемпионат Англии. "Манчестер Юнайтед" - "Тоттенхэм". Прямая трансляция
- 21:25 Вести-Спорт
- 23:45 Профессиональный бокс. Александр Поветкин (Россия) против Хасима Рахмана (США). Вой за титул чемпионоа мира в супертяжелом весе по версии WBA. Прямая трансляция из Германии
- 03:00 Вести-Спорт
- 03:10 "Индустрия кино"
- 03:45 "Моя планета"



- 06:00 "Барби в подводном мире"
- 07:25 Мультифильм
- 08:00 "Волшебные Поппиэки"
- Мультисериал 6+
- 03:30 "Фитиллар и Лопака" Мультисериал 6+
- 09:00 "Скуби Ду и прирак ведмаи"
- 10:15 "Чалини" Мультисериал 6+
- 10:30 "ЖИВОТНЫЙ СМЕХ"
- 10:50 "Это мой ребенок"
- 12:00 Комедия на СТС.
- 14:00 "Дайдак молағиз"
- 16:00 "6 КАДРОВ"
- 16:30 "6 КАДРОВ"
- 19:10 "Валь-И"
- 21:00 "Трансформери"
- 23:40 Шоу "Уральскии пеламени".
- 01:10 "Хорошие новости"



- 06:00 Мультифильм "СМФ 0+
- 08:15 Фильм "Земля Санникова"
- 08:15 Программы "Земли и мистика с Константином Крюковым" 12+
- 11:00 Фильм "Круал"
- 13:30 Док.фильм "Монстры Тихокиана"
- 14:30 Фильм "Великий колоде"
- 15:00 Программы "Круковича" 12+
- 15:00 Фильм "Круал"
- 16:30 Фильм "Монстры Тихокиана"
- 17:30 Фильм "Девять врагов"
- 21:30 Фильм "Огневоки"
- 01:45 Фильм "Мачете"
- 03:45 Фильм "Доказательство смерти"

Ўзига чорлаган нур

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан алоқа соҳасида алоҳида ўрнатилган ходимлар мукофотландилар. Улар орасида Қорақалпоғистон Республикаси ахборот-кутубхона маркази ҳуқуқий ахборот сектори мудирини Венера ТАНИРБЕРГЕНОВА ҳам бор. У Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланди.



— Кутубхона менинг тасаввуримда ўзига чорлаган нурга ўхшайди. Кутубхонадаги китоблардан фойдаланиб ўз билимларини ошириб маънавий бойликларга бурканган ўқувчиларим кўнглида китобга бўлган илик муносабатларни доимо сезиб тураман.

Венера Танирбергенава бу масканга 1995 йил январ ойида кутубхоначи вазифасига ишга келди. 1990 йил Тошкент Давлат маданият институти кутубхоначилик факултетини тамомлаган тиришқок киз зиё тарқатишдек савоб ишга қўл урганидан бехад хурсанд эди. Касбдошлари билан тез орада тил топишиб, бу касбининг сирасерорларини пухта ўрганиб борди. Касбга меҳр қўйишда унга турли йилларда устозлик қилган Мирхан опа Абдусодиқова, Жупаргул опа Абдиамбетова ва Зибагул опа Сапарова кибларининг эринмай иш ўргатишлари ўз самарасини берди. У 2002 йилдан буён ҳуқуқий ахборот секторига раҳбарлик қилиб келмоқда. Венера шу кунларда секторда ишлаётган ҳамкасб-

лари Лола Пирназарова ва Гулдона Бекановаларга устозлик қилиб, касб сирларини сидқидилдан ўргатмоқда. — Кутубхона менинг тасаввуримда ўзига чорлаган нурга ўхшайди. Кутубхонадаги китоблардан фойдаланиб ўз билимларини ошириб маънавий бой-

ликларга бурканган ўқувчиларим кўнглида китобга бўлган илик муносабатларни доимо сезиб тураман. Саводхон кишилар билан суҳбатлашиб ҳузурланаман. Одамларга зиё тарқатишдек савобли иш қилаётганимдан мамнунман, — дейди Венера. Венера билан суҳбатлашиш жуда мароқли. У кутубхонадаги фаолияти давомида турли жамоат топшириқларини ҳам бажарганлигини мароқ билан гапириб беради. Венера касбага уюшмаси фаолларидан бири. Алоқачилар орасида ўтказиладиган спорт мусобақалари, байрамларга бағишланган анжуман ва талбирларда фаол қатнашади.

Бу ҳақда кутубхона директори Инжигул Шарапова шундай дейди: — Венера Танирбергенава бахтиёр оила бекаси ва онадир. У турмуш ўртоғи Максат Калкоразов билан қарийб 20 йилдан буён бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Фарзанди Бегдиярни меҳнатсевар қилиб вояга етказмоқда. Венера яхши уй бекаси сифатида томорқасида ўзига керакли барча сабзавотларни етиштиради. Боғига кирган кишининг кўнгли яйрайди. Биз Венера каби фидойи касб эгалари билан фахрланамиз ва мукофот муборак бўлсин, деймиз.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ
Қорақалпоғистон Республикаси

Ота — оила устуни

OILA —
MUSTANKAM
QO'RG'ON

Отани падари бузруквор дейишади. Халқимизда отанг ётган уйнинг томига чиқма, деган пурҳикмат мақол бежизга айтилмаган. Отага оиланинг устуни, ҳимоячиси, боқувчиси деб қаралади. Қиз узатилаётганда бекорга отанинг дуоси сўралмайди. Бунда катта ҳикмат мужассам. Ота дуосини олган қиз борган жойида тош қотсин, ўша хонадонда палак ёзиб, ўзидан кўпайишиб, бола-чақа орттирсин деган ният яширин. Яъни, отанинг дуоси ижобат бўлади.

Ота қарғишига учраган, унинг панд-насихатларига кулоқ солмаган фарзанд эса ҳаётда ҳеч қачон бахтли бўлолмайди. Ота қарғиши ўк, деб бекорга айтишмайди. Бу хусусда “Кобуснома”да шундай ёзилган: “Эй фарзанд, билгинким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдир. Нединким унинг асли ота ва онадур. Ота ва онанинг нима учун ҳурмат қилурман, деб кўнглингга келтурмағил, билгинки улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар. Хар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоғдин холи бўлмағусидир. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилиқ ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул вақдин ота-онанинг сағал ҳам ранжитмағил”. Фарзанд ота насихатларига қарши иш тутдими, демек ўша кундан бошлаб ота дили ранжийди, муҳаббати эса камайиш сари юз тутди. Ота (устоз ҳам шунга қиради) сўзларини ерда қолдириш қанчалик кўпайса, ота меҳри бола-

дан шунчалик қола бошлайди. Бундан хабардор бўлган ён-атрофдагилар, қариндош-уруғларнинг ҳам ёмон фарзанддан ихлоси қайтади. Ота ўз фарзандларини қанчалик севса, шу фарзанд билан ҳурмат-этибор қозонади. Натижада ҳаёт ҳам кўзига ажойиб ва янада гўзал кўрина бошлайди. Узингиз бир ўйлаб кўринг, ота тарбиясини кўрган фарзанд қайда-ю, унинг насихатларини кулоққа солмай, отаси билан гап таллашиб, отасини ранжитадиган фарзанднинг ҳаёти қандай кечадиган? Бу хусусда ҳаётда жуда кўп мисолларни учратганмиз. Машхур аллома Абдулқодир Нурий ал-Барзанжий шундай ёзади: “Фарзанднинг отасига нисбатан амал қилиши керак бўлган одобларидан бири шуки, ўз отасига камтарликни ифода-

ловчи ва ҳурматни ихзор этувчи лойиқ сўз билангина мурожаат қилади. Ота олдида ниҳоятда одоб билан ўтиради. Ота овозига нисбатан ўз овозини банд қилиб гапирмайди”. Тўлқин ака исмли бир танишим бор. У киши ачинарли бир воқеани айтиб берганди. Бир таниши уч ўғилни тарбиялаб, вояга етказибди. Уларнинг барчасини олиёй маълумотли, уй-жойли қилиб, обрўли жойларга ишга жойлаштирибди. Фарзандлар эса амал

лига отасидан хабар олиб туришибди, кейин эса қаровсиз қолдиришибди. Яхшиямки, маҳалла-қўй бор экан. Улар отахонни ёлғизлатиб қўймай, ахволдан тез-тез хабар оладиган бўлишибди. Бойликни, мансабни деб ота-онасини унутадиганлар онда-сонда бўлса-да, орамизда учраб туради. Президентимиз томонидан жорий йил мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди. Бу бежизга эмас, албатта. Жонажон дийримиз янада гуллаб-яшнасин, гўзал ва обод Ватанда фарзандларимиз дуркун ўсиб, камолга етсин, мустаҳкам оилалар кўпайсин, дея шу ном берилди. Чунки оила мустаҳкам бўлса, мамлакат мустаҳкам бўлади. Қайсики оилада ота оилани мустаҳкам бошқара олади, у ерда одобли, тарбияли, ақлли ўғил-қизлар камол топади. Қуш уясида кўрганни қилади, деб бекорга айтилмаган. Оқил, доно фарзандлар мамлакатнинг, юртининг қорига ярайди. Ўз туғилган жойини, мамлакатини обод қилади: Агар фарзанди бетарбия бўлса, у хар хил номақбул ишларни қилади. Бундай ноқобил фарзандлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Оталаримиз бедимиз қуввати, хонадонларимиз давлати, файзи-қувони. Отаки оилада ҳукмрон бўлса, у жойида ҳамма нарса ўз ўрнида бадастир бўлади. Қайсики, оилада парокандалик бўлса, билгинки у ерда отанинг ўрни ва ҳурмати йўқдир. Оилада хар қандай шароит бўлган тақдирда ҳам ота оиланинг устуни, унинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш лозим бўлади. Чунки, шу оталар ва уларнинг ўғитлари, дуолари туғайли юрт обод, мамлакатимиз фаровон, эртанги кунимиз ёрув. Оилаларимиз кўрғони оталаримиз бахтимизга хар доим сов-омон бўлишсин!

Ота ҳурмат-иззатини қозонган фарзанд ўз тенгдошлари орасида ҳам ҳурматли бўлади. Катта бўлганда ҳам одамлар ичида ўз одоби ва яхши хулқи билан ҳурмат-этибор қозонади. Натижада ҳаёт ҳам кўзига ажойиб ва янада гўзал кўрина бошлайди.

пиллапояларидан кўтарилиб, яхши мартабаларни эгаллашибди. Ўзларига тўқ, бой-бадавлат бўлишибди. Хар бири уй олиб, алоҳида чиқиб кетишибди. Ота-онаси эса ўз уйларида қолишибди. Фарзандлар бойлик, мансаб кетидан қувиб, ота-она ахволдан кам хабар оладиган бўлишибди. Ордан кўп йиллар ўтиб, ота анча кексайиб, хотини вафотидан кейин касал-манд бўлиб қопти. Фарзандлар авва-

Ҳикоят

Тўғрилиқдан келмиш ҳамма яхши от,
Эғрилиқдан фойда кўрмади бир зот.
Фирдавсий

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлёмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

И.КАРИМОВ

Дарҳақиқат, кутубхоналар жамғармаси ҳар бир халқнинг умуммиллий тарихий ва маданий бойликларини ҳисобланади. Китобларда тарихий минг йилларга бориб тақаладиган маданий, маънавий, маърифий мерослар ўз аксини топган. Шу ўринда Қадимги Рим файласуфларининг "Айтилганлар кетади, ёзилганлар қолади" деган иборалари ёдимга келади. Ахборот-кутубхона муассасаларининг асосий мақсад ва вазифалари ана шу қоғозларга битилган манбаларни йиғиш, сақлаш ва бу ҳужжатларга аҳолининг эга бўлишини таъминлашдан иборатдир. Жамиятнинг ахборотга ўсиб бораётган эҳтиёжларини етарли даражада қондириш учун ана шу ахборотларни ва уларни етказиб берувчи, ташувчиларни сақлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Охириги йилларда кутубхона, музей ва архивлар ресурсларини сақлаш масалалари жуда кўп тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда ва бу ҳориж ҳамда республика нашрларида эълол қилинмоқда. Китоб фондларини сақлаб қолиш муаммолари ҳозирги кунда зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган долзарб масалага айланди. Шунинг учун ҳам фондларни сақлаш фақатгина кутубхоналарнинг эмас, балки глобал муаммодир.

Кутубхона фондларидан аҳолининг мунтазам фойдаланиши - уларнинг эскириши, йиртилиши, сақлаш бўлиmlларидаги шароитнинг бузилиши, жойларнинг етарли даражада эмаслиги, биноларнинг сақлашга мослаштирилмаганлиги, реставрация учун сифатли маҳсулотларнинг камлиги, қимматлиги ва реставрация қилиниши керак бўлган ҳужжатлар ўз вақтида таъмирланмаганлиги, кутубхоначиларнинг бу соҳада етарли малакага эга эмаслиги вақт ўтган сари кутубхоналар олтин фондидан жой олган ноёб ва нодир ҳужжатларнинг ярқисиз ҳолга келиши ёки бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Атмосфера ҳавосининг бузилиши, ҳароратнинг ортиқча кўтарилиши ва намланиши, фавқуллодда ҳолатларнинг салбий таъсири ёки кутубхона ҳужжатларига тирик организмлар, яъни бактерияларнинг тушиши эса жамғармадаги ахборот манбаларининг бузилишига ёки шикастланишига сабаб бўлади. Китобларни сақлаш бўлиmlларидаги бактерияларга ва қирувчиларга

"Айтилганлар кетади, ёзилганлар қолади"


Маънавий бойликларни сақлашда Америка тажрибаси

қарши ҳаракатлар ҳамиша ҳам фойда беравермайди. Ушбу муаммоларни ечишнинг энг оптимал варианты бу консервация қилишдир. Консервация ҳозирда кутубхона фондларини комплекс сақлашни таъминловчи асосий усуллардан бири ҳисобланади.

Биз биламизки, консервация ҳориждан 19-20-асрларда кириб келди ва кутубхона, архив ҳамда музейларда, илмий техника институтларида, лабораторияларда ривожлана бошлади.

Ҳужжатларни консервациялаш - жуда кўпаспектли соҳа. У кутубхоналар, уларнинг фондларини, алоҳида ҳужжатларни атроф-муҳит билан боғлиқлигини тадқиқ қилувчи ижтимоий, техник, табиий ва аниқ фанлар билан боғлиқ фаолият.

Бу йил мен ва бир гуруҳ ҳамкасбларим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 11 январдаги 1258-қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақ-



АҚШ Конгресси кутубхонаси консервация қилиш маркази.

Китоб фондларини сақлаб қолиш муаммолари ҳозирги кунда зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган долзарб масалага айланди. Шунинг учун ҳам фондларни сақлаш фақатгина кутубхоналарнинг эмас, балки глобал муаммодир.

садида амалга оширилган "Кутубхона фондларининг консервацияси" лойиҳасида иштирок этиб, Америкада соҳа бўйича олиб борилаётган ишлар, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишдаги янгиликлар, фойдаланувчилар ва ходимларга яратилган имкониятлар бўйича малака ошириб, тажриба алмашишга муяссар бўлдик. Лойиҳа давомида биз АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳридаги Конгресс кутубхонаси, Шекспир кутубхонаси, Мериленд штатидаги Миллий архив, Смитсон институти кутубхонаси, Виржиния штатидаги Миллий аудио-видео коллекциялари кутубхонаси, Пенсилвания штатидаги Филаделфия кутубхона компанияси, Тарихий экспонатлар ва санъат асарларини консервация қилиш маркази ва Drexel университети, Юта штати кутубхонаси, Солт Лайк Ситидаги Бригам Янг университети, Юта университети Марриот кутубхонаси, Алабама штатидаги Хандсвилл шаҳар кутубхонаси ҳамда Алабама штати Бермингем шаҳридаги EBSCO компаниясида бўлиб, уларнинг иш фаолиятлари билан яқиндан танишдик.

Америка Қўшма Штатларида кутубхоналар ҳар томонлама ривожланган. Замонавий бинолар, сўнгги русум технологиялари билан таъминланган, фаолият тўла автоматлаштирилган. Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ечиш, яъни китоб жамғармаларини сақлаш мақ-

садида кутубхоналарда консервация бўлиmlлари ва реставрация лабораториялари ташкил этилган. Ҳозирда бу бўлиmlлар барча қозоли ҳужжатларни кимёвий, биологик, физикавий хоссаларига асосланган ҳолда консервация ва реставрация қилиб, кутубхона ресурсларининг сақлашни давомийлигини тиклашга эришмоқдалар.

Мен ҳозир бирор бир кутубхонанинг ташкил топиш тарихи, фаолиятига алоҳида тўхталмоқчи эмасман. Биз кўрган кутубхоналарда бебаҳо маънавий мерос ҳисобланган китоблар давомийлигини узайтириш, уларни талаб даражасида сақлаш учун қандай ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида гапириб бермоқчиман.

Кутубхоналарда таъмирланиши керак бўлган китоблар биринчи бўлиб шикастланиш даражасига қараб ажратилади. Сўнгра мутахассис томонидан уларни ҳолати бўйича сифатлари, сувга, спирта чидамлилиги ва фойдаланишга тўлиқ ярқили ҳолга келтириш учун қандай таъмирлаш ишлари олиб борилиши аниқланиб, ёзиб чиқилади ва бунга асосан китоблар ёки ҳужжатлар лабораториядаги керакли мутахассисларга реставрация учун берилади.

(Давоми бор.)

Гулнора ИСМОИЛОВА,
Бобур номидаги Андижон
вилоят ахборот-кутубхона
маркази директори



Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китобларни таъмирлаш цехи.

Яқинда хизмат сафари билан Андижон вилоятига борганимизда водий гавҳарига менгаладиган бу вилоятда кейинги йилларда жуда кенг кўламда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилганлигига гувоҳ бўлдик. Нафақат Андижон шаҳри, балки чекка туман ва қишлоқларда ҳам янгиланиш, ўзгаришларни кўриш, ҳис қилиш мумкин.



Меҳнатдан бахт топаётганлар

Меҳмондўстлиги, анжанча лутфи билан ном қозонган андижонликлар билан суҳбатлашганимизда ҳаётларида, турмушларида, бир сўз билан айтганда, яшаб турган Ватанларида бўлаётган бундай улкан ва ижобий ўзгаришлар мухтарам Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг самараси эканини фахр билан сўзладилар.

— Бугун кўчаларимизнинг раволигидан, барпо этилаётган иншоотларнинг кўркамлигидан кўз қувнайди, — дейди Андижон вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбари ўрибосари Рустамжон Икромов. — Узоққа бормайлик, яқинда марказимиз тўлиқ таъмирдан чиқарилгач, бутунлай кўркам ва шинам қиёфа касб этди. "ДОСТ стройсервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан аниқ лойиҳа асосида қурилиш олиб борилгани туфайли биномиз ўзгача чирой очди. Эндиликда бу ерда тиббий ходимларимизнинг янада самарали фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бунинг учун қурувчиларга, уларнинг сардори бўлган Фарходжон Исроиловга катта миннатдорлик билдирамиз.

Рустамжон аканинг бу гапларидан сўнг Фарходжон Исроилов билан учрашиб, суҳбатлашишга қарор қилдик.

Фарходжон билан учрашганимизда хайратимиз янада ортди. Чунки биз уни қирқ беш-эллик ёшлардаги киши бўлса керак, деб тасаввур қилгандик. Олдимизда ўттиз ёшнинг нари-берисидаги йигитни кўриб, беихтиёр "э, қойил" дедик. Ўзаро салом-алиқдан сўнг давом этган суҳбатимиз давомида унинг ташаббускорлигига, ишбилармонлигига яна бир бор қойил қолдик.

— Дастлаб қурилиш касб-ҳунар коллежини, кейин эса Андижон қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаганимдан сўнг мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар ва



Фарходжоннинг келажакдаги мақсадлари бундан-да катта, улур. Унинг айтишича, келгусида корхонага лизинг асосида Самарқандда ишлаб чиқарилаётган "MAN" кранлари харид қилинади. Бу эса иш унумдорлигини ошириш баробарида янги иш ўринларининг яратилишига ҳам замин бўлади.

имкониятлардан рухланган ҳолда 2007 йилда Андижон шаҳрида тадбиркорлик фаолиятини бошлашга қарор қилдим, — дейди у. — Дадам билан ўзаро маслаҳатлашганимиздан сўнг "ДОСТ стройсервис" масъулияти чекланган жамияти ташкил этиб, иш бошладик. Фаолиятимиз давомида, аввало, ишнинг сифатига эътибор қаратдик. Бу тез орада ўзининг ижобий самарасини бериб, вилоят миқёсида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам иштирок эта бошладик. Хусусан, Андижон шаҳрида барпо этилган "Баркамол авлод" спорт мажмуаси

қурилишида жамоамиз билан қатнашиб, мажмуа барпо этилишига баҳоли қудрат ҳисса қўлдик.

Суҳбат давомида маълум бўлдики, 1981 йилда тувилган Фарходжон оилада катта фарзанд экан. Дадаси Аҳмаджон ака муҳандис, онаси Шаҳзода опа эса уй бекаси. Укалари Шухратжон, Фурқатжон, Ойбекжон ҳам унинг изидан бориб, қурувчилик касбини эгаллашибди. Бугун улар ҳар бир ишда акасининг маслаҳатчиси, ёрдамчиси. Синглиси Шаҳнозаҳон эса тикувчи.

— Амалга ошираётган ишларимизда оиламизнинг ҳиссаси жуда катта, — дейди Фарходжон. — Чунки ҳар бир ишни улар билан бамаслаҳат ҳолда амалга оширамиз. Бугун юртимизда тадбиркорликка, жумладан, қурилиш ишларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам яққол намоён бўляпти. Буни биргина ўз фаолиятим мисолида олиб кўрадиган бўлсак, айни пайтда 65 кишини донмий иш билан таъминладик. Яна 100 нафардан зиёд ходим билан шартнома асосида иш олиб бораёмиз. Улар учун барча қулайликлар, шарт-шароитлар яратганимиз боис ишмизда ривожланиш ортиб бораёпти. Масалан, плита ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехимизда бир кунда 20та плита, 10та блок, 3та колодец ишлаб чиқа-


рилади. Бу маҳсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратаётганимиз боис доимо хариддоргир.

Фарходжоннинг келажакдаги мақсадлари бундан-да катта, улур. Унинг айтишича, келгусида корхонага лизинг асосида Самарқандда ишлаб чиқарилаётган "MAN" кранлари харид қилинади. Бу эса иш унумдорлигини ошириш баробарида янги иш ўринларининг яратилишига ҳам замин бўлади.

— Сифатли хизмат кўрсатиб, халқимиз ишончини оқлаш доимо бош мақсадимиз, — дейди у хушхоллик билан. — Бу йўлдаги ҳаракатларимиз бугун самарасини бераётганидан хурсандман. Биз ҳар доим қурилиш ишларини сифатли, мижозларимизнинг талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда амалга оширяёмиз. Бу эса ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш баробарида фаолиятимизни кенгайтиришда ҳам катта ўрин тутмоқда. Демак, олдинда бундан-да юксак муваффақиятларга эришамиз. Бунинг учун эса етарлича асосларимиз бор.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун Фарходжон сингари ёш, ғайратли, шижоатли ёшларнинг тадбиркорлик қилиб, эркин фаолият юритишлари учун юртимизда барча шароит яратилган. Истардикки, бундай ёшлар сафи янада кенгаверсин.

Ойгул САЪДУЛЛА қизи



Кўнглимиздаги газета

OBUNA-2013

Хар йилгидек, мана 2013 йил учун республика, вилоят, туман, шаҳар даврий матбуот нашрларига обуна мавсуми қизгин бошланди, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Жумладан, биз алоқачиларнинг сеvimли газетамиз — "Xabar"га ҳам обуна бошланди.

Мен алоқа соҳасида меҳнат қилаётганлигим боис, мана 20 йилдан буён "Xabar" газетасининг хар бир сонини интиқлик билан кутиб оламан. Меҳнат жамоа-

миз билан газета саҳифаларида ёритилаётган турли янгилик, воқеа-ходисалар ҳақидаги мақолаларни ўқиб маънавий озука олаётганимиздан хурсандим. Газетани кечиктирмай, ўз вақтида қўлимизга етказишда Зоҳиржон Юсупов бошлиқ "Равон" почта алоқаси тармоғи жамоаси хизматидан мамнунимиз. Газета биз алоқачиларнинг яқин маслақдошимиз бўлиб қолган. Яъни, жамоамизнинг хар бир аъзоси газетадан ўзи учун керакли мақолаларни топа олади.

Жамоамиз билан, албатта, сеvimли газетамизга 2013 йил учун яқдиллик билан обуна бўлмоқчимиз. Чунки бу газета биз алоқачиларнинг дилидаги гапларини тўлиқ айтиб, керак бўлса ёрдам қўлини чўза олади.

Азиз дўстлар, Сиз ҳам биз каби "Xabar" газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Асқарали АНБАРЖОНОВ
Сўх тумани

Дарҳақиқат, кимнингки қалбига оқибат уруғлари сеппилган бўлса, у дунёдаги бахтли одамлардан бирidir. Бундай одамлар ўша уруғдан униб чиққан меҳрибонлик, саховатпешалик, яқин қариндошлари ва ҳатто бошига бирор мушкул иш тушган бегоналар тақдирини учун ҳам жонсарақлик фазилятлари туфайли қалб хотиржамлигига эришадилар, қолаверса, атрофидаги одамлар орасида ҳурматли инсонга айланадилар. Минг шукрки, орамизда бундай одамлар кўпчиликини ташкил этади. Лекин, беоқибат, тошбағир одамлар ҳам борки...

Носир ота ва Табассум аялар хонадонини саккиз фарзанд — тўрт қиз ва тўрт ўғил воёга етишди. Қизларнинг ҳаммаси яхши хонадонларга келин бўлиб, ўзларидан тиниб-тинчиб кетишган. Отаҳон ўгли-шудли, тadbиркор инсон бўлиб, ховлисидидаги ҳар бир қарич ердан унумли фойдалана билар, ҳамма экинлар биринчи бўлиб унинг томорқасида етилар эди. Ховлиси қишлоқ четда бўлганлиги боис қақраб ётган 4-5 сотих ерни ўзлаштириб, ажойиб ёнғоқзор барпо этди. Яхши парваришланганлиги сабабли ёнғоқ шохлари ҳосил мўллигидан эгилиб қоларди баъзан. Отаҳон уларни кўтарасига сотиб, катта ўғилларига чиройли иморатлар қуриб берди ва алоҳида қилиб чиқарди. Ҳар бирларига ўз хўжалигидан сигир-бузук ажратиб берди. Шундай бўлса-да, ўғиллар ўзларини ўзлари эплаб кетиш ўрнига бошига нима ташвиш тушса, отасининг ёнига чопиб келишар, Носир ота уларга қўлидан келганича ёрдамлашиб юбарар эди. Қизларига ҳам ҳосилнинг олдини илинларди. Ҳамма можаро отаҳоннинг вафотидан кейин бошланди. Юрак хуружи туфайли Носир ота омонатини топширди.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, V боб, 18-модда.



Меҳр-оқибат — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Олдинда ўзини нима кутаётганлигини ҳеч ким билмаганидек, Носир ота ҳам ховли-жойини кичик ўғлига васият қилиб улгурмаган экан. Бунга ҳожат ҳам бўлмади, деб ўйлаган бўлиши мумкин, аслида. Ахир қизлари ўзидан тинчиган бўлса, ўғилларининг уй-жойларига кўпчилик ҳавас қилади. Лекин айрим инсонларда инсоф, адолатдан кўра нафс кучлироқ бўлар экан. Бўлмаса ҳамма нарсаси етарли бўла туриб, отадан қолган ховли-жойга кўз тикишармиди катта ўғиллар.

Эллик йиллик ҳамжаётдан тўсатдан ажралиб, гангиб қолган онанинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмасди. Табассум ая ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам икки ўғлини тинчита олмади. Катта ўғил она ёнида туриб, икки укасига тушунтиришга кўп уринди, лекин фойдаси бўлмади.

— Шунча катта ховли укамнинг бир ўзига қилиб кетаверадими? — дейишди улар муштирап онага. — Бизнинг фарзандларимиз уйланидиган ёшга бориб қолди. Уларга ҳам ховли-жой керак.

Отамиздан қолган меросдан ҳақимизни ажратиб беринг.


Чорасиз қолган она минг андиша билан маҳаллага чиқишга мажбур бўлди. Афсуски, маҳалла фаолларининг ҳам уриниш ва насиҳатлари бекор кетди. Зеро, шайтон уя қурган, тош каби қотган қалбларга ҳар қандай насиҳатнинг фойдаси бўлмас экан. Натижа шу бўлдики, она судга мурожаат этиб, ўзи ва анча йиллардан бери ота-онаси хизматини қилиб, улар қўнглини топиб келаётган кичик ўғли манфаатларини ҳимоя қилишларини сўради. Ва адо-

латли қонуларимиз орқали у бутун умр турмуш ўртоғи билан умргузаронлик қилган, қурилишни биргаликда амалга оширган ўзига тегишли ховли-жойини номига ҳужжатлаштириб олди. Нобакор ўғиллар эса маҳалла ахли олдида ҳам, ака-ука, опа-сингиллари, энг асосийси, тўққиз ой бағрида олиб юрган, парваришлаб воёга етказган ва уйли-жойли қилган мўътабар ва мушфик онаси олдида қилмишларидан пушаймон, юзлари шувит бўлиб қолаверди.

Дилором РАҲИМОВА

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳаётимизда оз бўлса-да, учраб турадиган бу каби воқеа-ходисалар аввало мусулмончиликка, қолаверса, Ўзбекистон адолат-ахлоқимизга мутлақо тўғри келмайдиган ҳол, албатта. Ҳурматли ота-оналаримиз кексайган пайтларида ана шундай аянчли аҳволга тушиб қолмасликларини учун нима қилмоқлари, фарзандлар тарбиясида қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор бермоқлари лозим? Сиз бу борада қандай фикрсиз, азиз газетхон?



Маърифат даргоҳи

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолиш, шунингдек, аҳолини янада кенг ва тизимли равишда ахборот билан таъминлаш борасида Марғилон қурилиш касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказда ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда аҳоли эҳтиёжлари, истак-хоҳишлари доимо ўрганилиб, шу асосда китоб фонди тўлдирилиб, бойитиб борилади. АРМ китоб фонди 27707 нусхани ташкил этади.

АРМда 1066 нафар фойдаланувчи учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Уч хонадан иборат 60 ўрнили ўқув заллари ўқувчилар хизматида.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарининг тақдимоти АРМ ходимлари

томонидан ташкилланиб, унда коллеж педагогик жамоаси ҳамда ўқувчилар иштирок этишди. Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" партияси шаҳар Кенгаши раиси Ш.Мадрохимов, "Маҳалла" жамоат фонди шаҳар бўлими раиси Ф.Мадумаров, ТАТУ Фарғона филиали доценти Н.Усмонов, "Адолат" партияси вилоят кенгаши раиси Н.Шодиевлар қатнашди. "Дин ва ёшлар" мавзусида шаҳар уламолар кенгаши раиси, "Хонақоҳ" жоме масжиди имом хатиби А.Раҳмонов билан суҳбат ўтказилди. Савол-жавоб тарзида ўтган ушбу тадбир ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Баҳром Мадумаров, Абдурахмон

Комилов, Абдувоҳид Мадаминов, Мухлиса Сидиқова, Рустам Ишонов, Муҳожида Исмоилова сингари коллеж ўқувчилари марказнинг фаол китобхонлари ҳисобланади. Иқтидорли ушбу ўқувчилар иштирокида турли мавзуларда тадбирлар ташкил қилиняпти.

Коллеж ўзи жойлашган Бобур маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда турли тадбирларини ўтказишга эришиляпти. Маҳалланинг Зулайхо Сатторова, Боқижон Мамажонов, Ойпарчин Содиқова, Равшаной Солипова, Иномжон Муртазоев каби 30дан ортиқ фуқаролари марказнинг фаол китобхонлари ҳисобланади. Ахборот-ресурс маркази китобхон ўқувчи ёшларга янги ахборот технологиялари асосида хизмат кўрсатишга алоҳида аҳамият бермоқда. Бунда зарур бўлган барча маълумот-ахборотлар ахборот-коммуникация технологиялари орқали

тез ва сифатли етказиб берилмоқда, "ZiyoNET" таълим порталидан кенг фойдаланилмоқда.

Коллеж ўқувчилар ётоқхонасида марказ томонидан ташкил этилган китобхонага етакчи мутахассис Дилфуза Хайдарова мутасадди этиб тайинланган. Ушбу тармок китобхонаси коллеж маъмурияти томонидан тўлқ таъмирланиб, етарли шарт-шароитлар яратилган. Тармок 7771 нусха китоб фондига эга бўлиб, бутунги кунда 431 нафардан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатмоқда.

Коллеж ахборот-ресурс маркази ишини бундан-да сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида унинг раҳбари Дилором Исмоилова, ходимлари Хосият Мамадиева, Холида Исоқова, Дилфуза Хайдарова, Гўзал Эргашева, Шарифа Алижнова, Зухра Ҳамидовалар ўз вазифаларини сийдиқидилдан бажаришмоқда.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси, Ромитан телекоммуникациялар боғламаси жамоалари ушбу боғлама муҳандиси Салим АСАДОВНИ 55 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга мустақкам соғлиқ, узок умр, оилавий хотиржамлик ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

Яккабоғ телекоммуникациялар боғламаси жамоаси етакчи муҳандис Исматилла ҲУСАНОВНИ таваллуд айёмининг 50 йиллиги билан самимий табриклайди. Унга узок умр, фарзандлари қамолини кўришни тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, лицензиатлар томонидан лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар бартараф этилгани муносабати билан 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 48-бандига асосан:

"АНДИЖОН ВИЛОЯТ КАБЕЛ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ" масъулияти чекланган жамиятининг (Анджон ш.) теледасурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини (кабелли телевидение) кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000964 рақамли; "KONOT-TV" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) теледасурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини (кабелли телевидение) кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000226 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 14 сентябрдан тикланди.

"Тошкент опен-2012" турнири якунланди

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида "Тошкент опен-2012" анъанавий халқаро турнири якунланди.



Бу йилги турнирда дунёнинг йиғирмага яқин мамлакатидан келган теннисчилар бир hafta давомида яккалик ва жуфтлик бахсларида ўзаро куч синашиди. Хамюртимиз Оқгул Омонмуродова ярим финалга қадар етиб борди.

Финалга эса руминиялик Ирина-Камелия Бегу ҳамда хорватиялик Донна Векичлар чиқишди. Хал қилувчи бахс 6:4, 6:4 ҳисобида руминиялик теннис устаси фойдасига хал бўлди ва у бош совринни қўлга киритди.

Жуфтликлар ўртасида эса полшалик Паула Кания ва беларуслик Полина Пекховалар ғолиб чиқди.

"Камолот-тур" миллий веломарафони ўз ғолибларини аниқлади

Пойтахтимизда "Камолот-тур" миллий веломарафони республика босқичи бўлиб ўтди.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган "Камолот-тур" веломарафони ўғил-қизларнинг спортга қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда. Мусобақа қатнашчиларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2008 йилги марафонда 500 нафардан зиёд велопойгачи иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 5000 нафарга етди.

Мусобақанинг якуний босқичидаги ҳудудий беллашувларда уч ёш тоифасида ғолибликни қўлга киритган велопойгачилар тошкентлик кўнгилдилар билан бирга 20 километрлик масофани босиб ўтишди.

Пойтахтлик Жавоҳир Олимов, наманганлик Дилмурод Сиддиқов ва нукуслик Пана Давлатбоев ўз ёш тоифасида олтин медални қўлга киритди. Қолган ўринлар Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ҳаваскор велопойгачиларига nasib этди. Пойтахтлик Абдуҷаббор Олимов оиласи "Велопойгачилар оиласи" номинацияси ғолиби бўлди.



ОЧЛ: "Бунёдкор" сафарда дуранг қайд этди

"Бунёдкор" Осиё Чемпионлар лигаси чорак финалнинг дастлабки ўйинида Австралиянинг "Аделаида Юнайтед" клуби билан бахс олиб борди.

Ўйинни тезкор ҳужумлар билан бошлаган "Аделаида" футболчилари дастлабки дақиқаларда гол киритишга муваффақ бўлишди. Нестеров кўриклаётган дарвозага бир оз ўтиб иккинчи гол ҳам киритилди. Биринчи бўлим охирида Мурзоевнинг фаоллиги вазиятни ўзгартирди. У дарвозабон билан бирга бир чикаётганда, австралиялик химоячи уни қўли билан ушлаб қолди. Хакам ўйлаб ўтирмасдан қизил карточка кўрсатди. Жарима май-



дони чизигида белгиланган жарима зарбасини Жасур Хасанов ажойиб тарзда ижро этиб, ҳисобни кискарттирди.

Ушбу гол ҳамда майдонда бир киши қўп бўлиб ҳаракат қилиш иккинчи бўлимда "Бунёдкор"га

устулик берди. Мамлакатимиз чемпиони бир неча бор гол уриш учун қулай имкониятларни содир этди. 75-дақиқада Шавкат Саломовнинг голи эвазига ҳисобда тенглик юзага келди.

Шундан сўнг ҳам хамюртларимизда ҳисобда олдинга чиқиб олиш учун вазиятлар юзага келди, аммо бу имкониятлардан футболчиларимиз фойдалана олмади.

Осиё Чемпионлар лигаси, чорак финал.

"Аделаида Юнайтед" — "Бунёдкор" 2:2

Голлар: Рамсей (7), Кастопулос (18) — Ж.Хасанов (43), Ш.Саломов (75).



ЕЧЛ: Гуруҳ бахсларига старт берилди

Сешанба ва чоршанба кунлари Европа Чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувларининг 1-тур ўйинлари бўлиб ўтди.

"ПСЖ" Франция — "Динамо Киев" Украина 4:1
Голлар: 1:0 - 19, пеналти Иброҳимович, 2:0 - 29 Силва, 3:0 - 33 Алекс, 3:1 - 87 Велозу, 4:1 - 90 Пасторе.

"Динамо Загреб" Хорватия — "Порту" Португалия 0:2

Голлар: 0:1 - 41 Лучо, 0:2 - 90 Дефур.

"Монпелье" Франция — "Арсенал" Англия 1:2

Голлар: 1:0 - 9, пеналти Белханда, 1:1 - 16 Подолски, 1:2 - 18 Жервино.

"Олимпиакос" Греция — "Шалке" 04 Германия 1:2

Голлар: 0:1 - 41 Хеведес, 1:1 - 58 Абдун, 1:2 - 59 Хунтелар.

"Малага" Испания — "Зенит" Россия 3:0

Голлар: 1:0 - 3 Иско, 2:0 - 13 Савиола, 3:0 - 76 Иско.

"Милан" Италия — "Андерлехт" Бельгия 0:0

"Реал Мадрид" Испания — "Манчестер Сити" Англия 3:2

Голлар: 0:1 - 69 Жеко, 1:1 - 76 Марсело, 1:2 - 85 Коларов, 2:2 - 87 Бензема, 3:2 - 90 Роналду.

"Боруссия Д" Германия — "Аякс" Голландия 1:0

Гол: 1:0 - 87 Левандовски.

"Барселона" Испания — "Спартак" Россия 3:2

Голлар: 1:0 - 14 Тело, 1:1 - 29, автогол Дани Алвес, 1:2 - 59 Ромуло, 2:2 - 72 Месси, 3:2 - 80 Месси.

"Селтик" Шотландия — "Бенфика" Португалия 0:0

"Челси" Англия — "Ювентус" Италия 2:2

Голлар: 1:0 - 31 Оскар, 2:0 - 33 Оскар, 2:1 - 38 Видал, 2:2 - 80 Куалрелла.

"Шахтёр" Украина — "Нордшелланд" Дания 2:0

Голлар: 1:0 - 44 Мхитарян, 2:0 - 76 Мхитарян.

"Лилл" Франция — "БАТЭ" Беларус 1:3

Голлар: 0:1 - 6 А. Володко, 0:2 - 20 Родионов, 0:3 - 43 Олехнович, 1:3 - 60 Шелжу.

"Бавария" Германия — "Валенсия" Испания 2:1

Голлар: 1:0 - 38 Швайнштайгер, 2:0 - 76 Кроос, 2:1 - 90 Валдес.

"Манчестер Юнайтед" Англия — "Галатасарай" Туркия 1:0

Гол: 1:0 - 7 Кэррик.

"Брага" Португалия — "ЧФР" Руминия 0:2

Голлар: 0:1 - 19 Бастос, 0:2 - 34 Бастос.

"FIFA Futbol Mundial" Ўзбекистонда лавҳа тайёрлайди

3 октябр кuni Тошкентга бутун дунёга машхур "FIFA Futbol Mundial" телекўрсатувининг тасвирга олиш гуруҳи ташриф буюради.

Тасвирга олишнинг биринчи кунинда "Бунёдкор" ва "Аделаида" сидаги ОФК гасининг ўйин тайёрланади. гуруҳ "Пахта" ўртасидаги пинонатига ди. Кейинги мида охириги йиллардаги иккита кучли ўзбек жамоаси тўғрисида батафсил материаллар суратга олинади.

"FIFA Futbol Mundial" бошловчилари "Бунёдкор"нинг иккита футболчиси Виктор Карпенко ва Дэвид Карнидан эксклюзив интервью олади, деб ёзади ЎФФ.

Қайд этиб ўтамиз, биринчи "FIFA Futbol Mundial" кўрсатuvi телевизор экранларига 1994 йили чиққан бўлиб, ўшандан буён дунёнинг 80дан зиёд мамлакатига узлуксиз трансляция қилинади.

ФИФА Қосимовни табриклади

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси расмий сайти — FIFA.com футбол оламида катта номга эга бўлган ва янги haftaда ўз таваллуд кунини нишонлайдиган шахслар ҳақидаги анъанавий яқшанбалик мақоласида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мурабийи Миржалол Қосимовни табриклади.

Эслатиб ўтамиз, Миржалол Қосимов 17 сентябр кuni ўзининг 42 ёшини нишонлади.



Футзалчиларимиз Португалияга мағлуб бўлишди

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси кеча Португалия футболчилари билан дастлабки ўртоқлик ўйинини ўтказди. Учрашувда меабонлар 5:2 ҳисобида галаба қозонишди.

Биринчи бўлимдан сўнг Португалия терма жамоаси 2:1 ҳисобида олдинда бораётганди. Иккинчи бўлимда эса Хосе Мария Мендес шогирдлари кетма-кет ҳужумлар уюштириб, қатор вазиятларга эга бўлишди, аммо улардан фойдалана олмади. Европаликлар эса қарши ҳужумларда терма жамоамизни жазолади.

Терма жамоамизнинг ўйиндаги иккита голини Артур Юнусов ва Нодир Элибоев киритишди.

Эълон

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида жойлашган ошхона, буфет ва ўқув қуроллари дўкони танлов асосида ижарага берилди. Танловда иштирок этувчилар юридик шахс бўлишлари лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 215-53-94, 252-33-99



Ўтавларнинг охираги обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиалнинг Денов почта алоқаси тармоғи бошлиғи Умарали БАРАТОВга падари бузуқвори

Исмоил бобонинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шаҳардаги ўзгаришлар биргина Марғиноний кўчасидаги "Савдо мажмуаси"да ҳам яққол кўзга ташланади. Бойси, замонавий, жаҳон андозалари даражасида қурилиб, фойдаланишга топширилган ушбу мажмуа кўриниши, мукамаллиги, қолаверса, худудининг ободлиги билан киши эътиборини тортиб, кўнглига фараҳ бағишлайди. Мажмуа олдида барпо этилган манзарали дарахт ва гул кўчатларидан иборат яшил майдон, фаввора, дид билан ўрнатилган ўриндиқлар одамларнинг мазмунли хордик чиқариши учун хизмат қилмоқда.

— Халқимизда "Одамнинг қўли гул" деган ҳикматомуз нақл бор, — дейди шу ерда неваралари билан дам олиб ўтирган Манзура ая. — Авваллари бу ер қаровсиз жой эди. Хозир қаранг, кўзингиз қувнаб, дилнингиз яйрайди. Ичкарида яратилган шароитлардан бир қувончингизга ўн қувонч қўшилади.

Манзура аянинг гапларида асло муболага йўқ. Хозиргина қайд этганимиздек, "Савдо мажмуаси" кўркам ва шинамлиги билан кишининг эътиборини тортиб, хушқайфият улашади. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган, ташаббускорлиги билан шундай иншоотнинг қад ростлашига хизмати синган инсон — "АСАКА ОМАД ТАСАННО ЛЮКС" масъуляти чекланган жамиятининг раҳбари Сирожиддин Нажмиддинов билан суҳбатлашганимизда кўнглимизга янада ажиб ёруғлик инди.

— Бугун ишлайман, тadbirkorликни йўлга қўяман деган юртдошларимизга барча шароит яратилган, — дейди у. — Яхши биласиз, Асакада азалдан савдо-сотик ривожланиб келган. Tadbirkorлик, ишбилармонлик бу туман аҳолисининг қон-қонига сингиб кетган хусусий десам, янглишмаган бўламан. Юқорида таъкидлаганимдек, ҳозир ҳамма шароит бор. Бу шароитдан мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби

асакаликлар ҳам самарали фойдаланишмоқда. Хусусан, ўзим кредит асосида ушбу мажмуани барпо этиб, бу ерда кўриб турганингиздек, халқимизга хизмат қиладиган барча шароитларни яратдик. 560та савдо дўкони, шунингдек, овқатланиш шохобчаларини барпо этдик.

"Савдо мажмуаси"ни томоша қилар эканмиз, унинг ҳар бир ҳолати мукамал меъморий ечимда барпо этилганига ишонч ҳосил қилдик. Бизнинг таассуротларимиз билан ўртоқлашган Сирожиддин ақанинг айтишича, мажмуани барпо этишда, бунёдкорлик, яратувчанлик, қурилиш ва



Кўнгишлар шод, манзиллар обод

ободонлаштириш ишларида Алишер Толипов, Улуғбек Орипов, Дилмурод Бўтаев, Шарофиддин Нажмиддинов, Жалолиддин Маметов каби фидойи инсонларнинг хизмати катта бўлди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хусусий мулкчилик шакли йўлга қўйилиб, эркин савдога кенг йўл очилгани ушбу "Савдо мажмуаси" ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур мажмуанинг фаровонлиги ва ободончилигига ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. 2010 йилда қабул қилинган "Дехкон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор асосида тadbirkorлар ва харидорларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар жараёнида барпо этилган ушбу мажмуада бир неча минглаб тadbirkor



кор фаолият кўрсатмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ушбу мажмуада савдо ва харид қилиш маданияти ривожланиб бораётганига ғувоҳ бўласиз. Ишнинг кўзини биладиган тadbirkorлар харидорларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, таъбир жоиз бўлса, замон талаблари асосида хизмат кўрсатишмоқда ва харидорларга хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этишмоқда. Хар бир махсулот учун алоҳида расталар ажратилгани, махсулотларни ташиш, сақлаш, сифатини назорат қилиш ва истеъмолчига етказишнинг ўзига хос тизими бўйича иш юритилаётгани харидорларни мамнун қилмоқда. Бугунги кунда бу ерда харидор ва сотувчилар барча зарур имкониятларга эга, таъбир жоиз бўлса, жаҳон талабларига жавоб берадиган сифатли хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилган.

Халқимизда "Ободончилик бор жойда фаровонлик ҳам бўлади", деган ҳикматли нақл бор. Шу маънода, мазкур мажмуа қурилиши муносабати билан шу ерлик маҳалла аҳолисининг ичимлик суви билан боғлиқ муаммосига чек қўйилиб, мажмуани барпо этиш жараёнида 250 метр чуқурликдан ичимлик суви чиқарилди. Шунингдек, мажмуада ўқув маркази ташкил этилиб, айни пайтда бу ерда ёшлар хорижий тилларни, турли касбларни ўрганишмоқда.

Ўзини ҳақиқий мулк эгаси сифатида ҳис қилиб, меҳнати самарасидан баҳраманд бўлаётган асакалик тadbirkorлар аҳоли турмуш даражасининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Ҳа, мустақиллик тadbirkorларга ўз меҳнатининг роҳатини кўриши имконини берди. Бундан кўнгишлар шод, манзиллар обод.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист



<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДҲОДЖАЕВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор тоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>	<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмонов ЮҲДИШЕВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кuni чиқади</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-952 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 14818 нусха.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-91-56</p> <p>Қаршида 931-08-99</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>